

МИКРОҚАРЗ ШАРТНОМАСИ

20 __ йил « __ » _____ № _____ шаҳри

“Трастбанк” хусусий акциядорлик банкининг _____ филиали (кейинги ўринларда – Банк) бошқарувчиси _____ Низом ва Ишончнома асосида фаолият юритиб, бир томондан, ва жисмоний шахс _____ (кейинги ўринларда – Қарздор/мижоз), иккинчи томондан, мазкур Шартномани қуйидагилар ҳақида туздик.

1-§. Шартнома предмети

1. Банк ушбу Шартномада назарда тутилган шартлар асосида Қарздорга/мижозга _____ (_____) сўм микроқарз беради.
2. Микроқарз _____
(*нақд пулсиз шаклда филиалда очилган пластик карта бўйича махсус _____ ажратилади.*
ҳисобварағига ўтказиш йўли билан ёки нақд пулда)
3. Қарздор/мижоз томонидан олинган микроқарз ҳисобини юритиш учун Банк унга тегишли микроқарз ҳисобварағи очади.

2-§. Шартнома қиймати

4. Микроқарздан фойдаланганлик учун Қарздор/мижоз Банкка йиллик _____ фоиз ҳисобидан микроқарзнинг амалдаги қолдиғига ҳисобланган фоиз тўлайди.
Микроқарз ушбу Шартнома шартларига мувофиқ ўз вақтида қайтарилмаса, муддати ўтган қарздорлик учун йиллик _____ фоиз ҳисобидан фоиз ҳисобланади
5. Микроқарз бўйича фоиз Банк томонидан ҳар куни ушбу Шартноманинг 4-бандида белгиланган фоиз ставкаси бўйича берилган санадан бошлаб амалдаги кунлар сонидан келиб чиққан ҳолда Қарздорнинг/мижознинг микроқарз ҳисобварағи қолдиғига нисбатан ҳисоблаб борилади ва ҳар ойнинг 11-санасида ундирилади.
Микроқарз тўлови дам олиш кунларига тўғри келса, ҳисобланган фоизни тўлаш дам олиш кунидан кейинги биринчи банк иш кунида, дам олиш кунларда ҳисобланган фоизни ҳисобга олган ҳолда, амалга оширилади.
Микроқарз фоизи бўйича тўлов муддати ўтган қарздорлик вужудга келганда, Қарздор/мижоз тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун муддати ўтган фоиз қийматининг 0,5 фоизи, бироқ муддатида тўланмаган фоиз қийматининг 50 фоизидан ошмаган, миқдорда пеня тўлайди, пеня тўланиши Қарздорни/мижозни муддати ўтган фоизни тўлашдан озод қилмайди.

3-§. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

6. Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:
 - а) Қарздорнинг/мижознинг тўловга лаёқатлилик қобилятини янада тўлароқ таҳлил қилиш учун ундан қўшимча ҳужжатлар талаб қилиш;
 - б) микроқарз белгиланган муддатда сўндирилмаганда, микроқарз қайтарилиши юзасидан ушбу Шартнома шартларида белгиланган тегишли чораларни кўриш;
 - в) Қарздор/мижоз томонидан ушбу шартнома бўйича асосий қарзни қайтариш ва (ёки) ҳисобланган фоизни тўлаш муддати бузилганда низони судгача ҳал қилиш юзасидан ўз талабномасини Қарздорга/мижозга етказиш;
 - г) талабнома етказилгандан сўнг ўттиз кун ичида Қарздор/мижоз унда кўрсатилган талабларни лозим даражада бажармаганда, тегишли талаб билан судга мурожаат қилиш.
 - д) микроқарз юзасидан асосий қарз ва/ёки фоиз бўйича муддати ўтган қарздорлик пайдо бўлганда, ушбу қарздорликни кафилдан акцептсиз тартибда ундириш.

7. Банк куйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

а) микроқарзни Қарздорга/мижозга 20__ йил “__” _____ дан 20__ йил “__” _____ гача бўлган муддатга бериш;

б) Қарздорнинг/мижознинг сўрови бўйича микроқарз ҳисобварағининг ҳолатига оид кўчирмани тақдим қилиш;

в) микроқарзни муддатидан олдин ундириш сабаблари ҳақида Қарздорни/мижозни хабардор этиш;

г) кредит бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келганда Қарздор/мижоз зиммасидаги қарз юки янада ошиб кетишининг олдини олиш мақсадида ушбу қарздорлик юзага келган санадан бошлаб 7 календарь куни давомида ҳар қандай алоқа боғлаш усулидан, шу жумладан электрон алоқа воситасидан фойдаланиб, Қарздорга/мижозга муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келганлиги ҳақида кредитни қайтариш графигини илова қилган ҳолда хабар бериш;

д) Қарздорни/мижозни ушбу шартнома бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорликни қайтариш мажбуриятлари бажарилмаганлиги ҳолати, муддати, қиймати, таркиби ва оқибатлари ҳақида хабардор қилиш, Қарздордан/мижоздан муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келиши сабаблари ҳақида сўраш

е) Қарздор/мижоз томонидан ушбу шартнома бўйича асосий қарзни қайтариш ва (ёки) ҳисобланган фоизни тўлаш муддати бузилганда низони судгача ҳал қилиш юзасидан ўз талабномасини Қарздорга/мижозга етказиш

8. Қарздор/мижоз куйидаги ҳуқуқларга эга:

а) микроқарзнинг ўз вақтида ажратилишини талаб қилиш;

б) микроқарзни муддатидан олдин қайтариш.

9. Қарздор/мижоз ўз зиммасига куйидаги мажбуриятларни олади:

а) микроқарз ажратилгунга қадар микроқарз таъминотига оид ҳужжатларни расмийлаштириш ва Банкка тақдим этиш;

б) микроқарз бўйича асосий қарз ва унга ҳисобланган фоизни ўз вақтида сўндириш;

в) яшаш жойи, иш жойи, фамилияси ёки исми ва ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилишига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа ҳолатларга оид ўзгаришлар тўғрисида ахборотни 5 (беш) банк иш куни мобайнида Банкка тақдим этиш;

г) ишдан бўшаётганда микроқарз ва унга ҳисобланган фоизни муддатидан олдин сўндириш.

4-§. Томонларнинг жавобгарлиги

10. Томонлар ушбу Шартнома шартларини бажармаганда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради ва жаримага тортилади.

5-§. Низоларни ҳал қилиш

11. Томонлар ушбу Шартномадан келиб чиқувчи низоларни музокара йўли билан ҳал этишнинг барча зарур чораларини кўриш мажбуриятини олади.

12. Низони музокара йўли билан ҳал этишнинг имкони бўлмаса, у Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ фуқаролик судида ҳал қилинади.

6-§. Шартноманинг бошқа шартлари

13. Ушбу Шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

13-1. Банк қарздор/мижоз учун ушбу шартнома бўйича асосий қарзни қайтаришнинг ва ҳисобланган фоизни тўлашнинг масофадан туриб амалга ошириш имкониятини яратади.

14. Қарздор/мижоз вафот этганда унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

15. Мазкур Шартнома у имзоланган кундан бошлаб то Қарздор/мижоз томонидан ушбу Шартнома мажбуриятлари тўлиқ бажарилгунга қадар амал қилади.

16. Мазкур Шартноманинг бекор қилиниши томонларни у бекор қилингунга қадар билдирилган ўзаро даъволарни (талабларни) қондириш мажбуриятидан озод қилмайди.

17. Ушбу Шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишда тузилиб, томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланганда қонуний кучга эга бўлади.

18. Мазкур Шартномада кўзда тутилмаган ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари қўлланилади.

7-§. Томонларнинг почта манзиллари ва реквизитлари

Банк:	Қарздор/мижоз:
Манзили: _____	Манзили: _____
Тел.: _____ Факс: _____	Телефон: _____
Банк коди: _____	Туғилган санаси: _____
Банк ҳисобварағи: _____	СТИР: _____
СТИР: _____	Паспорт: серия _____ № _____
Бошқарувчи: _____	Қачон ва ким томонидан берилган _____
Мухр	(имзо)